

Мен сизлар кўрмаган нарсани кўраман

14:28 / 01.05.2018 4486

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мен сизлар кўрмаган нарсани кўраман. Осмон ғижирлади. Ва у ғижирлашликка ҳақлидир. Осмонда тўрт бармоқ сиғадиган бирор жой йўқ. Фақат фаришта Аллоҳга сажда қилган ҳолда пешонасини у жойга қўюр. Аллоҳга қасамки, агар сизлар мен билган нарсани ҳис қилганларингизда, оз кулиб, кўп йиғлаб, ҳаттоки тўшакларингизда хотинларингиз билан лаззатланмасдан, Аллоҳдан паноҳ сўраб адирларга чиқиб кетган бўлар эдинглар», дедилар.

Имом Термизий ривоятлари.